

□ Узбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов мамлакатимиз авларини 8 март байрами муносабати билан самимий кутлади.

□ 7 март куни Президент Исрол Каримов АҚШнинг МДХга аъзо мамлакатлардаги сивсати бош мувофиқлаштирувчиси, махсус топшириқлар буйича элчи Жеймс Коллинз раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

□ 8 март куни Президент Исрол Каримов Европада хафсизлик ва ҳамкорлик буйича ташкилотнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари буйича бюроси директори Одре Гловнер ҳамда бюро маслаҳатчиси Яцек Полишевскини қабул қилди.

□ Президент Исрол Каримов номига АҚШ Президенти Билл Клинтондан келган телеграммада икки мамлакат уртасида турли соҳаларда ҳамкорлик янада ривожлантирилишига ишонч билдирилди.

□ Вазилар Маҳкамаси «1995 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш янқулари ва 1996 йилда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш йуллари тўғрисида» қарор қабул қилди.

□ Ташқи ишлар вазириликнинг Қабуллар уйда Узбекистон билан АҚШ уртасида консуллик масалалари буйича кўшма коммуноке имзоланди.

□ Пойтахтнинг «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

ҲАМДУСТЛИКДА

□ Бир неча кун давомида Грознийда Россия федерал қўшинлари билан дуаевишлар уртасида қонли жанглар давом этди. Баъзи маълумотларга қараганда бу жангларда 170 нафарга яқин дуаевишчи, Россия аскарларидан эса 38 киши ҳалок бўлган.

□ Россия ва Қозоғистон Президентлари телефон орқали мулоқотда икки мамлакат уртасидаги интеграцияни янада чуқурлаштириш юзасидан аҳдлашувини яқин орада имзолашга келишиб олдилар.

□ 9 март куни Душанбеда олти партия, жамоат ташкилотлари, миллий жамоа ва диний маъзаб вакиллари миллий тотувликни таъминлаш тўғрисидаги шартнома имзолалди.

□ Бугун Душанбеда Тожикистон парламентининг мамлакатдаги можарони тинч йул билан ҳал қилишга бағишланган махсус сессияси иш бошлади. Мухолифатчилар унда иштирок этишдан бош тортилди. Лекин улар узаро ўт очиб муддатини бирор дастлабки шартларсиз яна уч ойга узайтиришга рози бўлдилар.

□ Душанбеда Тожикистон ва Афғонистон Президентлари Имомали Раҳмонов билан Бурхониддин Раббоний уртасида учрашув бўлиб ўтди.

□ АҚШнинг МДХга аъзо мамлакатлардаги сивсати бош мувофиқлаштирувчиси, махсус топшириқлар буйича элчи Жеймс Коллинз Қирғизистон ва Туркменистонда бўлиб, бу давлатлар раҳбарлари билан музокаралар утказди.

□ Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг Тбилисига расмий ташрифи якунида Грузия билан ҳамкорлик қилиш юзасидан давлатлараро ҳужжатлар имзоланди.

ХОРИЖДА

□ 13 март куни Мисрда терроризмга қарши кураш буйича кўпгина давлатлар раҳбарлари иштирокида олий даражадаги учрашув утказилди.

□ Бугун Литва мустақиллик куни тиланганлигини байрам қилмоқда.

□ АҚШ, Буюк Британия ва Франция Тинч океанининг жанубий қисмида ядрозис зона ташкил этиш тўғрисидаги шартномага қўшилиш ниятини билдирдилар. Аввал Россия ва Хитой томонидан имзоланган бу шартнома ишбу уч давлат раҳбарлари 25 март куни Фидхи орол давлати пойтахтида имзолалди.

□ 10 март куни Истанбулдан олиб қочилган «Бойнг 727» самолети йулочиқлар ва экипаж аъзолари билан Германиянинг Мюнхен шаҳрига кунди. Самолетни олиб қочиш ташкилотларидан бири булган Туркия фуқароси ҳибсга олинди.

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Шахримиздаги Индира Ганди номли тикувчилар маданият саройида узбек-хинд дўстлик жамияти томонидан уюштирилган концерт намойиш этилди. Хиндистоннинг Панжоб штатида келган «Бахигра» фольклор гуруҳининг кишилари томошчиларга айнакка катта қизиқиш уйғотди. Ушбу концерт билан гуруҳининг «Эксона» халқаро саломатлик ва экология жағармаси ҳамда Хиндистоннинг Узбекистондаги элчихонаси биргаликда уюштирган ижодий сафарига яқун ясалди. Ушбу фольклор дастасининг ижодий сафарига тўпаланган маблағлар экология танилик юз берган қудулдарда яшовчи аҳолининг тиббий қурилиш утказиш учун сарфланмади.

Хайрия концертларининг амалга оширишида «Узбекистон ҳаёу йўллари» миллий авиакомпанияси, «Узбектуризм» миллий компанияси ва «Тошшаҳрийлувчиртанс» ассоциацияси яқиндан ҳамкорлик қилдилар.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

ТОШКЕНТ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 29 (8.764)

1996 йил

11 март, душанба

Сотувда эркин нархда



Газета 1966 йил 1 июлдан чика бошлаган

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

БОЗОРЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Озиқ-овқат ва буюм бозорларини бошқаришни тартибга солиш, бозорларда савдон ташкил этилиши ва истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни яхшилаш мақсадида, шунингдек, Узбекистон Республикаси Президентининг «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этилиши ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидаги Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Узбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, «Узтаёрловсавдо» уюшмаси ва республика туманлари (шаҳарлари) ҳокимликларининг: дехқон ва буюм бозорлари, ярмаркалари неғизида бошқарилишининг амунавий тузилмасига эга булган очик турдаги акционерлик жамиятларини ташкил қилиш, бозор дирекцияси ходимлари сонини (хисоб-китоб ҳодимларидан ташқари) 5 нафардан 17 нафаргача этиб белгилаш;

акцияларнинг назорат пакети туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига ёки уларнинг аҳолилик органларига, шу жумладан, «Узтаёрловсавдо» уюшмаси ташкилотлари улушларини сотиб олиш ҳисобига, бириктириб қўйиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Узбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси «Узтаёрловсавдо» уюшмаси ва Узбекистон Республикаси Адлия вазирилик билан биргаликда икки ҳафта муддатда бозорлар ва ярмаркалар неғизида ташкил этиладиган очик турдаги акционерлик жамиятларининг амунавий устави ишлаб чиқисин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Маълумот учун қабул қилинсинки: ташкил этилаётган акционерлик жамиятларининг кузатув кенгашини, бошқаруви ва тафтиш комиссиясини акционерларнинг умумий мажлиси сайлайди;

бозорлардаги мулкдан фойдаланишдан, хизматлар кўрсатишдан тушадиган пул маблағларини ҳисобга олишни ташкил этиш ва маблағларнинг сарфланиши буйича ҳисоботларни юритиш билан шуғулланувчи ходимлар, туман (шаҳар) ҳокимликлари билан

келишилган ҳолда, акционерлик жамияти бошқаруви томонидан тайинландилар.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда Узбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси билан биргаликда Тошкент шаҳри бозорлари ва ярмаркалари акционерлик жамиятлари уюшмасининг тузилмасини ва уставини ишлаб чиқисин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

4. Бозорлардан фойдаланишдан тушадиган даромадларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги амунавий Низом тасдиқласин.

5. Бозорлар ва ярмаркалар ҳузурида қишлоқ ҳўжалиги махсуслотларини ва бошқа истеъмол товарларини, шу жумладан, узок мудатли фьочерс контрактлари асосида улғуржи харид қилишни йўлга қўйиш буйича ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этиш мақсадагу мувофиқ деб ҳисоблансин.

Кўрсатиб ўтилган ихтисослаштирилган бўлимлар томонидан қишлоқ ҳўжалиги махсуслотларини ва бошқа истеъмол товарларини сотишдан тушган нақд пулларининг 15 фоизгачасини махсуслотларни бевосита ишлаб чиқарувчилардан харид қилишни ташкил этиш учун мазукур бўлимлар иштирида қолдиришга ружаат берилсин.

6. Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари: туман (шаҳар) ҳокимлиги, Давлат мулки кўмитаси, Молия вазирилик, Адлия вазирилик, Давлат солиқ кўмитаси, Ички ишлар вазирилик, Соғлиқни сақлаш вазирилик, «Узтаёрловсавдо» уюшмаси ҳудудий бўлимлари, худудлариде бозорлар жойлашган фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органлари вакилларидан иборат таркибда аттестация комиссияларини тузинсинлар. Бир ой муддатда дехқон ва буюм бозорлари директорларини уларнинг эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳамда ташкил этиладиган очик турдаги акционерлик жамиятла-

рининг мансабдор шахсларини тайинлаш учун номзодларни тавсия этиш ҳақидаги масалаларни хал қилиш мақсадида аттестациядан ўтказсинлар;

икки ой муддатда Узбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг ҳудудий органлари билан биргаликда бозорлар ва ярмаркалар неғизида очик турдаги акционерлик жамиятларини, йирик шаҳарларда эса уларнинг уюшмаларини ҳам ташкил этишни таъминласинлар. Мазкур банднинг бажарилиши тўғрисида 1996 йилнинг 1 майгача ахборот берсинлар;

Давлат мулки кўмитаси, Молия вазирилик, «Узтаёрловсавдо» уюшмаси ва тижорат банклари ҳудудий бошқармалари билан биргаликда акцияларнинг назорат пакети туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига босқичма-босқич сотиш механизминин, шунингдек, ишлаб турган бозорларни реконструкция қилиш ва янгилашни қуришга йўналтирилган илгари олинган кредитларни қайтариш манбаларини аниқласинлар;

бозорлар ва ярмаркалар билан, шу жумладан, фьочерс контрактлари асосида тузғуридан-тузғури ҳўжалик аллокаларини амалга оширишдан манфаатдор ҳўжаликлар ва ҳусусий тадбиркорлар рўйхатини аниқласинлар. Бозорлар, ярмаркалар маъмуриятлари ва қишлоқ ҳўжалиги товарлари етказиб бериувчилар уртасида контрактлар тузилиши таъминласинлар, бунда ҳосилини йиғиб олишни, идишлар билан таъминлашни, транспортда ташилларини ташкил қилиш ва махсуслот етказиб беришлар учун ҳал тўлаш билан боғлиқ барча масалалар мажмуини ҳал этишни назарда тутсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов зиммасига юклансин. Қарорнинг қандай бажарилаётгани шу йилнинг июль ойида ва 1996 йил якунлари буйича қўриб чиқилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1996 йил 5 март

ТОШКЕНТ ШАҲРИ РАМЗИ (ГЕРБИ)НИНГ ЯНГИ ТАСВИРИНИ ЯРАТИШ ЮЗАСИДАН ТАНЛОВ УТҚАЗИШ ТЎҒРИСИДА



Тошкент шаҳри ҳокими К.Н. Тўлаганов Тошкент шаҳар Рамизи (герби)нинг янги тасвири яратиш юзасидан танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унда кўп минг йиллик тарихга эга булган пойтахт шаҳримиз Тошкентнинг қиёфаси истиклол шарофати тўғрисида мислсиз даражада ўзгариб, ривожланиб, унинг дунё ахли ўртасидаги ҳўжрати тобора ортиб бораётгани тасвирланган.

Шаҳримизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида рўй бераётган беқиёс ўзгаришлар унинг рамизи ифодаси — Гербида ҳам ўз аксини топиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Меҳнат жамоаларидан, маҳаллардан, илмий жамоатчилик вакиллари, фахрийлар, фуқаролардан келаётган мактублар, билдирилётган фикр-мулоҳазалар, та-

Тошкент шаҳри Рамизи (герби)нинг янги тасвири яратиш буйича ўтказиладиган танлов

НИЗОМИ

ва равшан кўрсатилиши лозим. Танлов ишлари (лоийҳалари) ташкилий кўмита ва ҳайбат томонидан қўриб чиқилади. Танлов катнашчилари ўз ишларини қўйдаги ҳажимда (шаҳлда) тақдим этишлари.

1. Рамз(герб) намунаси 10x10 см ҳажимда (каттик жисмда).
2. 80x80 см ҳажимда мослама Рамз(герб)нинг рангли тасвири.

3. Муаллифнинг ёзма изоҳи. Изоҳда муаллиф Рамзини қандай образ, тилсоллар мисолларида ифода қилиб берганини батафсил ҳамда аниқ баён этиши керак.

4. Танловга тақдим этилган лойиҳалар юқорида айтилган тақимда даражасида шу йилнинг 20 апрель соат 17.00 гача ташкилий кўмита томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳкамаси (Мовароуннаҳр кўчаси,6) 18-хонада қабул қилиниб олинади.

Уз шакли(ҳажми) матоси ва мазмуни буйича танлов шартлари жаовб бермайдиган, шунингдек, муддатидан кейин топирилган лойиҳалар ҳайбат аъзолари томонидан қўриб чиқилимайди.

5. Танловга тақдим этилган лойиҳалар, чизмалар танлов ҳайъати аъзолари томонидан қўриб чиқилиб, сараланади. Сараланми олинган ишлар

ҳайбат аъзолари томонидан жамоатчилик муҳоказасига тавсия этилади. Жамоатчилик муҳоказасидан ўтган энг яхши лойиҳалар орасидан голиблар аниқланади.

6. Ташкилий кўмита ва ҳайбат аъзоларининг тасдиқланган қарорига биноан голибликка муносиб топилган лойиҳаларнинг муаллифларига муқофотлар берилди.

Танлов якунлари тўғрисидаги ташкилий кўмита ҳамда ҳайбат қарори кундалик матбуотда эълон қилинади.

7. Лойиҳа танловга яширин ном билан тақдим этилади. Лойиҳага ёпиштирилган конверт устига ўши яширин ном ёзиб қўйилади. Танловда иштирок этадиган муаллифлар ўзини-шарифлари, яшаш манзиллари, касб-қорларига оид қисқача маълумотни тақдим этаётган ишларига илова тарзида қўшиб беришлари зарур.

8. Танловга тақдим этилган, лекин муносиб қўрилмаган лойиҳалар танлов якунлари эълон қилинган 20 кун даомида муаллифлар томонидан қайтариб олиниши мумкин. Мазкур муддатдан сўнг тақдим этилган ишларни сақлаш буйича давлолар қабул қилинмайди.

Шаҳримизнинг озода ва куркам бўлишида ободонлаштириш бош бошқармасининг иш-хизматчилари, боғбонлари, механизаторлари ва етук мутахассисларининг ҳиссаси катта, албатта. Шунинг учун ҳам улар баҳоринг ободонлаштириш, кукаламзорлаштириш ва санитар ҳолатини яхшилаш ойлгида ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Бу ҳақда бош бошқарма бош агрономи Лазоат Исмолова қўйндагиларни гапириб берди:

— Бу гагли ободонлаштириш, кукаламзорлаштириш ва санитар ҳолатни яхшилаш икки йўналишда олиб борилади. Биринчиси умумхалқ байрамимиз «Навруз»га таййргарчилик бўлса, иккинчиси шаҳримизни янада обод қилиш ниятида мавжуд боғ, хивдон ва кўчаларга дов-дарaxтлар ва анвойи гуллар экишдан иборатдир.

Ойлик давомида шаҳримиз буйича 22 минг донна манзарали, 20 минг донна мевали, 60 минг донна терак ҳамда 100 мингдан зиёдроқ ҳар хил гуллайдиган ашил буталар экиш

ни олдимизга мақсад қилиб қўйганимиз. Кучатларни бизга манзарали боғдорчилик ва гулчилик давлат ҳўжалиги ходимлари етиштириб берадилар. Шунингдек бизни янги турдаги гуллар ва

чиқарамиз. Дастур Сува ҳўжалиги вазирилик, ихтисослаштирилган сугориш, кукаламзорлаштириш ва гидротехник ишшоотлар трести билан ҳамкорликда тузилган. Унинг амалда бажарилиши учун барча бурч-

16 март — умумшаҳар ҳашари КЕНГ КўЛАММИ ИШЛАР

лидир. Бунда айниқса маҳаллардаги сув шохобчаларининг тозаллигига алоҳида эътиборни қаратмоғимиз керак. Бу ишда бизга шаҳримиз маҳалалари оқсоқоллари ва фуқаролари яқиндан ёрдам берадилар, деган умидимизда. Суви кирган ҳар бир кўнанинг жамоли узгача бўлиши табиийдир.

Ойлик бошлангандан буюн шаҳримиздаги Юнусобод, Ақмал Икромов, айниқса Шайхонтохур туманлари ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш ишларини жадал сурьатлар билан олиб боришавтир.

МЕҲРИБОНЛИК ИФОДАСИ

Бозор иқтисодийётига ўтиш шароитларида фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш давлатимиз сивсатининг асосий йўналишларидандир. Республиканинг Президентининг «Болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кўчайтириш чора, тадбирлари тўғрисида» куни кеча қабул қилган Фармонини фикримизнинг ёркин далилидир. «Оқшом» газетасига келатган оналарнинг дил мактубларида кўрсатилётган гамҳўрликлар учун миннатдорчилик сўзлари изҳор этилган.

Шу йил 1 апрелдан бошлаб бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваризи қилиш учун ҳар ойлик нафақалар микдори кўпайтирилиб, улар энг кам иш ҳақининг 150 фоизи белгиланишини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Хурсанд бўлмай бўладимки? Ахир болларимиз қанчалик яхши парваризи қилинса бундан биз оналар ҳам, давлатимиз ҳам шунча манфаатдор. Чунки, давлатимиз келажаги бугунги кунда воёга етаётган фарзандларимизга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Дилором МАҲКАМОВА:
— Етти фарзанднинг онасиман. Фарзандларимнинг катталари мактабда ўқишади, кичиклари боғчага катнашади. Президентимиз «Болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кўчайтириш чора-тадбирлари» тўғрисида Фармон қабул қилганлигиндан гоят мамнун бўлдим. Мазкур Фармон бизнинг оилавий бюджетимизнинг ортишига таъбир этиши турган гап. Албатта боланинг кўпи яхши. Лекин уларни ҳар томонлама баркамол қилиш боёга етказишини ўзи бўлмайди. Аргамачга қил қувват, деб бекорга айтилмаган. Болали оилаларга давлатимиз мадади кўчайтиши соғлом айлвдон тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Эски шаҳар ёшаради

Шаҳримизда кейинги вақтда қад ростиётган уйларнинг асосий қисми бош ёки тўққиз қаavatдан иборатдир. В бўлмаса кotteждардан таркиб топган. Бундай уйлар Ҳўжаев, Самарқанд Дарвоза, генерал Узоев, Себзор даҳаси, Беруний кўчаларидан жой олган.



Гули АБДУЛЛАЕВА.
СУРАТДА: курувчилар учун қад ростиётган етти қаavatли бинада иш қадал бузылатлар билан олиб боришмоқда.
Рашид Гагиев олган сурат.

Бокс БОЙ БЕРИЛГАН МАВҒЕ

Бўхоро шаҳрида бокс буйича 1978-1979 йилда туғилган усмирлар уртасида республика шахсий биринчилиги бўлиб ўтди. Ушбу биринчилик баҳслари жуда қизиқ болиб бўлди ва унда 13 та ваэн буйича республикамизнинг барча вилоятлари ва Қоракалпоғистондан келган 156 нафар иш чарм кўпоқ устаси уз маҳоратларини намойиш қилишди.

Бу гал ҳамшаҳарларимиз биринчилигида уз имкониятлари даражасидан анча пақат катнашган лиқларини, аввалги таққилларини бой беришганини таққиллаб ўтиш жоиз. Фақатгина, 60 йил қонлагача ваэнда тошкентлик А. Комаров кескин бақсда Н. Тамазова оқолар буйича ютуғаниб, қумуш нишонни қулга киритган бўлса, 75 килוגрамгача булган, бир вақтлар машҳур ҳамюртимиз Р.Рўқиев улкан галабаларини қулга киритган ваэнда иш, умидли чарм кўпоқ устаси, шахримиздаги «Спартак» бокс мактабининг вакили Абдували Шомирзаев барча рақибларини доғда қолдириб, республика чемпиони бўлди.

Гульзода МАМБЕТОВА.
Дилмурад ИСМОЙЛОВ.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ — БУГУНГИ КУН НАФАСИ — БУГУНГИ КУН НАФАСИ

